

QUALITY OF EDUCATION IS A GUARANTEE OF OUR FUTURE ACHIEVEMENTS

Abdalova Sayyora Rustamovna

Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor.
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Quchkarov Sarvar Sattarovich

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article discusses the large-scale positive work being done in the field of education, the main tasks of improving the quality and effectiveness of education.

Keywords: knowledge, skills, competencies, education, upbringing, competence, integration, independent thinking, creativity, science, technology, pedagogical innovation, pedagogical and information technology, concept, curriculum, textbook, etc.

КАЧЕСТВО ОБРАЗОВАНИЯ – ЗАЛОГ НАШИХ БУДУЩИХ ДОСТИЖЕНИЙ

Абдалова Сайёра Рустамовна

Кандидат педагогических наук, доцент.

Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области

Кучкаров Сарвар Саттарович

Чирчикский государственный педагогический институт Ташкентской области

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается масштабная позитивная работа, проводимая в сфере образования, основные задачи повышения качества и эффективности образования.

Ключевые слова: знания, умения, компетенции, образование, воспитание, компетентность, интеграция, самостоятельное мышление, творчество, наука, технология, педагогическая инновация, педагогические и информационные технологии, концепция, учебная программа и др.

ТАЪЛИМ СИФАТИ – ИСТИҚБОЛДАГИ ЮТУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИДИР

Абдалова Сайёра Рустамовна

Педагогика фанлари номзоди, доцент.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Кучкаров Сарвар Саттарович

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ижобий ишлар, таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: билим, кўникма, малака, таълим, тарбия, компетенция, интеграция, мустақил фикрлаш, ижодкор, фан, техника, педагогик инновация, педагогик ва ахборот технологиялар, концепция, ўқув дастури, ўқув қўлланмаси ва б.қ.

КИРИШ

Таълим ва тарбия масаласи барча даврларда эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи асосий вазифалардан бири бўлиб келган. Чунки, мамлакат тақлири, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшадиган юқори малакали, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш бевосита таълим тизимининг ривожига боғлиқ. Шу боис ватанига, халқига садоқатли, мустақил фикрлайдиган, ижодкор, мустақил, ташаббускор, тадбиркор шахсни вояга етказиш бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий. Шу боис фанларни сифатли ўқитишни замон талабига ҳамоҳанг ташкил этиш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш эртанги истиқболдаги ютуқларимиз кафолатидир.

Ёш авлодни комил ва етук шахс сифатида тарбиялашда барча турдаги таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар мазмуни кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимлари тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда. Бундай шароитда юқори малакали ўқитувчиларга бўлган талаб ортиб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асослари, педагогика ва психология методларини мукамал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик кластерларни кенг қўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик кластерлар қўламининг ортиши, мамлакатда модернизация жараёнининг тез суръатларда ривожланаётганлиги сабабли айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, метод ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларнинг жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайти.

Дарҳақиқат, янгиланган таълим тизимини жорий этишда ҳар бир ўқитувчи ўз фани ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўрганиб, уларни ўз меҳнат фаолиятида изчил қўллай билиш маҳоратига эга бўлиши муҳим.

Бугун фан ва техника соҳасидаги янгиликларни ўқув дастурлари мазмунига тез киритиш талаб этилади ва бу орқали замонавий билимларни шакллантиришга замин ҳозирланади. Бундан ташқари замонавий ўқитиш технологиялари, улар билан боғлиқ методик ёндашувлар бўлажак ўқитувчиларда зарурий билимлар, муҳим қонуниятлар, кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан чуқур ва мустаҳкам шакллантириш учун қулай шароит яратади.

Таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда ўқитувчилар билим ва касбий маҳоратларининг замон талабларига мослиги, уларнинг мавжуд ўқув-лаборатория ва техника жиҳозларидан дарс жараёнида оқилона фойдаланиши, ташкил этилаётган амалий лаборатория машғулоти самарадорлиги, талаба юқори даражада ўзлаштириши учун ҳар бир мавзунинг илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўтилишини таъминлаш талаб этилади. Фанларни ўқитишда компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни амалиётга жорий этиш, талабаларда эгаллаган билимларини ҳаётда қўллай олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантириш кўзланган асосий устувор йўналишлардан биридир.

Зеро, таълим-тарбия жараёнида талабаларда коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби таянч компетенцияларни шакллантириш долзарб ҳисобланади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ижобий ишлар, қўлга киритилган кўплаб ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўзга ташланади, жумладан:

- Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сон қарори [1] билан тасдиқланган давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларининг мазмун-моҳияти мутасаддилар, таълим муассасалари раҳбар кадрлари ҳамда фан ўқитувчилари томонидан тўлиқ тушуниб етилмаганлиги боис таълим жараёнида компетенциявий ёндашувга асосланган янги босқичга ўтишда бўшлиқлар юзага келмоқда;

- фанлардан яратилаётган дарсликлар (дарслик, ўқитувчи методик қўлланма кабилар) ва ажратилаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан мақсадли фойдаланишда сусткашликка йўл қўйиш ҳолатлари учраб турибди.

Шундан келиб чиқиб, дарс бераётган ўқитувчиларнинг барчаси ҳам ўз фанидан етарли даражадаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларга эга эмас. Уларнинг малакасини оширишда замонавий усул ва методикаларни қўллаш ҳамда тинимсиз изланишларини йўлга қўйиш каби вазифаларни бажариш лозим. Уларни самарали амалга ошириш, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида алоҳида масъулият ҳис этиб, ўқитиш сифатини такомиллаштириш ўқитувчиларнинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим.

Ўзбекистонда халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига [2] кўра унинг асосий йўналишларига Ўзбекистоннинг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) талабаларининг таълим ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур рейтингига кўра дунёнинг биринчи 30 та етакчи мамлакатлари қаторига кириши, узлуксиз таълим тизимининг мазмунини сифатли янгилаш, ёшларни тарбиялаш ва тарбиялаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга, халқ таълими тизимидаги фаолиятнинг жозибadorлигини ошириш мақсадида умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган.

Таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчиларни ушбу юқорида қайт этилган умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантиришга оид қарор моҳиятини англашлари, ундан юксак давлат ҳужжати сифатида ҳамда ўз иш режалари, дарсдан ташқари ишларида дастуруламал тарзида фойдаланишлари, дарс пайтида бу ҳужжатлар матни ва мазмунидан унумли фойдаланишни кундалик иш режасига киритиш устида фаолият олиб боришлари лозим [3].

Халқ таълими бошқарув органлари раҳбарлари, ўқитувчилари, мутахассислари ва методистлари умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда мазкур қарор ва фармонлар, шу билан бир қаторда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ва методик ҳужжатлар талабаларининг бажарилиши мониторингини олиб боришлари ҳамда мониторинг ҳолислигини таъминлай олишлари керак.

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим тизими тобора янгилашиб бормоқда, тез ўзгараётган, мураккаблашиб бораётган оламда қўйилаётган замонавий талаблар асосида фаолият кўрсатишга тўғри келмоқда. Айни пайтда мазкур таълим тизимида ўқитувчининг иш услублари ва бунинг натижасида сифат ўзгаришлари учун имкониятлар яратувчи педагогик кластерлар пайдо бўлмоқда. Бу ўз навбатида таълим ва унинг асосий таркибий қисми бўлган сифат масалаларининг ечимини топишга олиб келади.

Албатта, бу ўзгаришлар ўқитувчилардан катта ташкилотчилик, яратувчанликни эгаллаганликни талаб этади. Шу маънода ўқитувчининг ўрни ва масъулияти жуда катта. Чунки, талабалар биринчи галда ўқитувчи салоҳиятига, унинг маънавиятига асосий эътиборни қаратади. Тажрибали ўқитувчи талабаларга келажак билан боғлиқ ўз тасаввурини ифода этиб, уларга янгиликларга ўрганишга илҳомлантириб ҳамда уларда билим олишга иштиёқ уйғотиб, ўқишга ёрдам беради ва қўллаб-қувватлайди.

Мақтаб маданияти, ўзгаришлар ва ривожланиш борасидаги изланишлар шуни кўрсатадики, муваффақият ўқитувчининг ривожланиши, ўз устида ишлаши, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ишлашларида юзага келишини таъкидлайди. Ўқитувчи ва маъмурият вакиллари биргаликда ишлашса, ўзгаришлар осон амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам ўқитувчи ҳар бир талабанинг ютуқ ва камчиликларини кўра олиши, ҳар бирини тушуна олиш, кўнглига йўл топа билиши, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши, ўз вақтини тақсимлай олиши, ўзига нисбатан талабчанлик, ўз устида тинмай изланиши, фаол ва масъулиятли бўлиши, ўқув жараёни илмий асосда ташкил этиши, ўз соҳасида компетентли, яъни ўз ишининг устаси бўлиши, ўз соҳасининг сирларини ҳар

томонлама чуқур билиши лозим. Бу албатта келажакда таълим сифатининг ошишига олиб келади.

REFERENCE

1. Абдалова, С. Р. (2021). ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ МОҲИЯТИ. *ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES*, 2(2), 617-623.
2. Abdalova S. R. THE IMPORTANCE OF DEFINING PEDAGOGICAL GOALS AND OBJECTIVES IN THE DEVELOPMENT OF INDEPENDENT THINKING OF STUDENTS // *Academic research in educational sciences*. - 2021. - Т. 2. - №. 2.
3. Мавлянов, А., Ачилов, Г. Б., Абдалова, С. Р. (2021). СОДЕРЖАНИЕ УЧЕБНОЙ ПРАКТИКИ И ТРЕБОВАНИЯ К НИМ. *Экономика и социум*, 5(2), 996-1003.
4. Абдалова, С. Р. (2021). Таълим сифатини оширишда ўқитиш технологияларининг ўрни ва роли. *Science and Education*, 2 (Special Issue 1), 218-228.
5. Мавлянов, А., Абдалова, С. Р. (2021). ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА. 65-я МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ АСТРАХАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА, 990-992.
6. Аллахвердиева, Х. В., Абдалова, С. Р., Кахраманов, Н. Т. (2020). Свойства металлополимерных систем на основе полиэтилена низкой плотности и меди. *Молодежь в науке-2020*, 483-485.
7. Муратов, К. (2021). Анализ сложноподчиненных предложений при изучении синтаксиса. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 1371-1378.
8. Муратов, К. К. (2020). Методика преподавания темы «словообразование» учащимся групп с узбекским языком обучения. *Science and Education*, 1(Special Issue 2).
9. Курбанович, М. К. (2020). Инновационная деятельность как обязательный компонент личной педагогической системы преподавателя. *Суз санъати*, (3), 219-225.
10. Муратов, К. (2021). Основы традиций и инноваций в образовательном процессе. *Экономика и социум*, 11(90), 974-978.
11. Юсупбаева, М., & Муратов, К. (2021). Лингвостилистические исследования языкового стиля автора художественного произведения. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(12), 1028-1033.
12. Муратов, К. К. (2020). Инновационная деятельность как обязательный компонент личной педагогической системы преподавателя. *Искусство слова*, 6(3), 751-755.
13. Xalmatova, D. A. (2022). Formation of Ecological Consciousness and Culture among Young People and Developing Their Skills of Rational Approach to the Environment. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 2(4), 4-7.
14. Khalmatova, D. A. (2022). How we can improve ecological culture among pupils of 9-11-grades. *Oriental renaissance Innovative educational natural and social sciences*, 2(2), 72-77.

15. Xalmatova, D. A. (2021). Darsdan tashqari ta'lim jarayonida o'quvchilarda ekologik madaniyatni shakllantirish (9-11) sinflar misolida. BOSHLANG'CH TA'LIM SIFAT VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH, 1(5), 420-422.
16. Khalmatova, D. A. (2021). Formation of ecological culture in students in the process of extracurricular activities on the example of grades (9-11). AKTUAL'NYE VOПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ, 1(1), 201-203.
17. Khasanovna, S. D. (2021). Semantic features of Russian borrowings in the modern uzbek literary language. Emergent Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), 2(05), 35-38.
18. Сайдахметова, Д. Х. (2021). Роль перевода в современной жизни. Экономика и социум, 3-2, 298-300.
19. Сайдахметова, Д. Х. (2020). Концепция развития современного переводоведения, место и роль перевода в современной жизни. НАЗАРИЯ АМАЛИЁТ ИННОВАЦИЯ, 1(27), 90-93.
20. Сайдахметова, Д. Х. (2020). Художественный текст как единица обучения чтению. Преподавание языка и литературы, 4(8), 80-87.
21. Сайдахметова, Д. Х. (2020). Повышение эффективности качества высшего образования: проблемы и решения. ИННОВАЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАР, 3(9), 29-31.